

# *Марҳабо Келишлари — бир байрам...*



# МАРҲАБО

ДАВлати таърих  
Муассасаи маддийат  
Марҳабо

Издано: Ташкент

Художественни и бахш шоиста марҳабои маддийати Узбекистон  
и саноати маддийати Узбекистон

## КЕЛИШЛАРИ БИР БАЙРАМ...

*Шеърлар*



Салом

Маддийат шоиста марҳабои маддийати Узбекистон  
официални кадам, таъсӣ иштирокот дарсанав.

«Марҳабо» маркази маддийати Узбекистон  
Ташкент – 2011

УДК: 821.512.133-1

ББК 84(5Ў)6

М29

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Мустақилликининг  
20 йиллигига бағишиланади.

Тақризчилар:

Санъат Маҳмудова,

Зуҳра Алиева



Эслатма:

Китобни кўчириб чоп этиш ёки шебрларни қўшик қилиш  
муаллиф руҳсати билан амалга оширилади.

ISBN 978-9943-387-23-2

© «Yurist-media markazi»  
нашириёти, 2011 й.

*Миллий ва диний қадрияларимиз бир-бирини тұлдирмас  
екан, бу күннинг муаммоларини ҳал қила олмаймиз.*

**Ислом Каримов**



## *Эң үңгүр қашғиёт*



*Бұлыб пойтахт, буюк ислом  
тамаддунига ул Шошим,  
Жаҳон узра баланд бўлди  
яна ўзбек деган бошим.*

## ЮРТ ҲАҚИДА ҚҮШИҚ

Сени чорлай саодатга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё,  
 Чарогон мулки жанинатта кел, эй, дунё, кел, эй, дунё,  
 Буриб юз ширк, затюлатта кел, эй, дунё, кел, эй, дунё,  
 Илоҳий илму ҳикматта кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Қилай кўз-кўз, Навоийнинг изи тушган Самарқандни,  
 Деворларига Оллоҳнинг сўзи тушган Самарқандни,  
 Келин бўлиб Бибихоним ўзи тушган Самарқандни,  
 Муборак бир зиёратга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Бухоро, Марғилон, Хива, Кўқону Андижон бекам,  
 Мозорлари сочадир нур, лойи ҳам мўмиё, малҳам,  
 Босиб багрига иймонин яшаб келди бу юрт ҳар дам,  
 Чўмил дарёйи раҳматга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Томошо қил, бу кун юртга Темурнинг шонлари қайтди,  
 Гўзал Қуръон, газал, лостон бегу сultonлари қайтди,  
 Улугбекнинг яна юлдуз тўла осмонлари қайтди,  
 Бўлиб лол файз, тароватга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Яна карвонлари йўлда ипагу пахтаси бирлан,  
 Кутар қанча харидор, турк фаранг, рус лаҳжаси бирлан,  
 Келурлар неча тожирлар белида ақчаси бирлан,  
 Ҳалол ризқ, пок тижоратга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Бўлиб пойтахт, буюқ ислом тамаддунига ул Шошим,  
 Жаҳон узра баланд бўлди яна ўзбек деган бошим.  
 Бўлиб пок, хуш, таҳоратли босиб тупроқ ила тошим,  
 Қилиб товба, ҳидоятга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.




Уарар касри қаерда куфри исён ҳаддидан ортиқ,  
Фалокат, дард ва осмонингда “Раҳмат чодири<sup>1</sup>” йиритик.  
Узат қўлингни, бу шаҳват, залолат ботқогидан чиқ,  
Келиб поклан, камолотга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Тани ўзингни, ҳам юксал Навоий пешидан ушлаб,  
Туғил ишқ ичра Машрабдек, ва бўл, унда, ёзу қиннаб.  
Хувайдодек надомат қил имонсиз кўксингга муштлаб.  
Буюк ишқ, пок муҳаббатга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Ана бойлик, ана давлат, Бухорий равзаси бунда,  
Демакки, илми урфоннинг муқаддас Каъбаси бунда,  
Магар, дин илдизи Маккадаю, шоҳ, меваси бунда,  
Кийиб эҳром, ибодатга кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.

Элим меҳмоннавоз, мусичаю тўргайидан тортиб,  
Баҳорда турнасин, ҳатто, кутодир “Марҳабо” айтиб  
Яна қай элда шунча хайри эҳсон, ўзидан ортиб?!  
Узан бу қадру қимматга, кел, эй, дунё, кел, эй, дунё.



<sup>1</sup> Раҳмат чодири — Азон қатлами



## НАВОЙНИ КИМ ЎФИРЛАДИ?

*Оҳангаронлик машхур тадбиркор Зарифаҳонга*

Ишхонада ғалва, тўполон,  
Бошлиқ аёл хит, жигибийрон,  
Дер: — Кирдими пари ё чилтон,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Турган эди сумкамда шундоқ,  
Тилла узук, бриллиант, болдоқ,  
Ҳаммаси бор, китоб, йўқ, бироқ,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Гулдондаги гулим турипти,  
Беш юз доллар пулим турипти,  
Фақат китобимни кўрипти,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Үйда туриб йўқолди бири,  
Йўлда юриб йўқолди бири,  
Ўз қўлидан олгандим буни,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Ўғри деган ўғирларди пул,  
Олиб сотса бўлгудай ул-бул,  
Бу не ўғри, бу қандай усул?  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Дастхати бор эди-я, эсиз,  
Бўларди бозордан олсангиз,  
Халтангизни қоқинг ҳаммангиз,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?



Күркмайсизми қўлга тушишдан?  
Тафтиш қиласман-а, бир бошдан,  
Топиб олсан, ҳайдайман ишдан,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Ёшсиз, соғсиз, баҳтлисиз аниқ,  
Мен бошқа гап, кўнглим ним, синиқ,  
Сизга уни нимаси қизиқ?  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Яхшиям бу Ҳувайдо эмас,  
Ўқиб завқдан бўлди, десам, маст.  
Оддий шеърга кетиб шунча паст,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Нетардингиз китоб, агарда,  
Навоий “Ҳамса”си бўлганда,  
Пўлат сейфда сақларканман-да,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Бу қандай гап бўлди, во ажаб,  
Қўнглим қолса Румийни тусаб,  
Ўқийманми эшик танбалаб,  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Уч кун сизга бераман муҳлат,  
Ўқиб бўлиб қайтаринг фақат.  
Ишхонада ўғирлик! Даҳшат!  
“Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Турганида зардаси қайнаб,  
Келиб қолди укаси — қассоб.  
Деди: — Вой-вуй, бу нима чоп-чоп?  
— “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Мен олғандым келганда у кун.  
 Аәл деди күнгли бўлиб хун:  
 — Олғанлирсан гўшт ўраш учун,  
 “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

“Китобингдан пул яхши” дея.  
 Бермоқ бўлардинг-ку тарбия.  
 Сен ҳам китоб ўқийсанми-а?  
 “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

— Тўгри, олдим гўшт ўраш учун,  
 Ўқиб чиқдим, билмайман нечун?  
 Аәл деди қилиб табассум:  
 — “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Сенки китоб ўқияпсанми,  
 Демак, келди юксалиш даври,  
 Энди кўнглим тинчили, майли,  
 “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Фақат сендан илтимос, ука.  
 Йўқотмасдан қайтаргин менга.  
 Ва ниҳоят топилди, мана,  
 “Марҳабо”ни ким ўғирлади?

Қассоб деди: — Шошиманг, опажон  
 Йўқотиб бўлдим, аллақачон.  
 Йўлакчага остирдим эълон:  
 “Марҳабо”ни ким ўғирлади?”

Эшитдиму бу можарони,  
 Орзу қиёдим, кун келса, қани.  
 Десак, ўғирлатиб “Хамса”ни:  
 “Навоий”ни ким ўғирлади?”



Навоий бу — ҳикмат, ҳидоят,  
Тўрт сатри бир мўъжиза, оят.  
Умидим шу: десам, ниҳоят,  
“Навоий”ни ким ўғирлади?”

Эл тўқ, бунда йўқолмайди нон,  
Юрт тинч, шукур, ўтиранмас жон.  
Қассоби ҳам бунда китобхон,  
“Навоий”ни ким ўғирлади?

Ўғирланган нарсадан, расми,  
Билинар эл турмуши асли,  
Хуш келибсан, маърифат асри,  
“Навоий”ни ким ўғирлади?

## ДЕВ МИНГАН ЙИГИТ

Ҳожа эди дев, париларга,  
Шоҳ Сулаймон алайҳиссалом,  
Битта йигит ёнига келиб,  
Кўрқиб-пусиб бошлади қалом:

— Ҳиндистонга обборсин мени,  
Шоҳим, айтинг биронта девга,  
Хозиргина жаноб Азроил  
Бир тикилиб қаради менга.

Балки ҳозир олаётганим  
Ҳаётилда энг сунгги нафас,  
То кечгача жонимни олиб,  
Ҳиндистонга қочмасам бўлмас.

Расул деди: — Кутулмогингга  
Аминмисан, қочиб шу йўсин?  
У: — Ҳа, — дегач, деди Сулаймон:  
— Унда, майли, оббориб қўйсин.

Йигит кетди бир девга миниб,  
Қараб қолди Оллоҳ расули.  
Бирдан Сулаймоннинг олдига  
Келиб қолди Азроил ўзи.

Ҳурмат билан шоҳ бошлади гап:  
— Битта савол берсам майлими?  
Ҳали нега қаттиқ тикилиб,  
Кўрқитдингиз бир умматимни?

— Кўрқитмадим, ҳайрон бўб қоллим,  
Кўриб уни юрганин бунда.  
Ҳиндистонда жонин олишим  
Керак эди шу бугун тунда.



## ЭҢГ БҮЮК КАШФИЁТ

Инсоннинг томири ҳам,  
Дарёга ўхшар асли,  
Яшайдилар тубида  
Ҳар хил жонзотлар насли.

Микролар, вируслар,  
Фойдасизу, фойдали,  
Униб-ўсиб, кўпайиб,  
Яшар тартиб-қоидали.

Унда бир вирус борки,  
Хеч кўзга кўринмаган,  
Олимлар томонидан  
Рўйхатга олинмаган.

Микроб, вирус чақирса,  
Ҳар хил дарду кулфатни,  
У чақирар бошларга  
Дўзах деган офатни.

Буйруқ берар турволиб,  
Юрагингиз тўрида.  
Ўзи кўринмас катта  
Заррабиннинг зўрида.

Ўша маккор вируснинг  
Номи Азозил — Шайтон,  
Оллоҳ паноҳ бермаса  
Ундан қутулмоқ гумон.

Микроб вируслардан-ку  
Эмлансангиз — кўнгил тўқ.  
Аммо Шайтон вирусин  
Кушандаси ҳали йўқ.



У минг айёр бұлмасин,  
Бугун боши чопилди.  
Дунёларга жар солинг,  
Күшандаси топилди!

Хозиргина кашф этдим,  
Баҳоси тенг тиллога,  
Үндан қутылмоқ йүлиң,  
Үргатаман дунёга.

У дори томизилар  
Ё санчилар қуракка.  
Суртиб қўйса ҳам бўлар  
Шундоққина юракка.

Бир ишлатган билади,  
Унинг илоҳий кучин,  
Тайёрласа бўлади,  
Ҳар киши ўзи учун.

Хомашёсини айтай,  
Ўзимизда бор нарса,  
Қасд қилганлар топади,  
Ҳамма гап тайёрлашда.

Қалам олиб ёзволинг,  
Нима, қанча, қайдасин,  
Айтганимда бир чимдим,  
Кўп ҳам, оз ҳам бўлмасин.

Кўнгилдаги Яхшилик  
Булонидан бол олиб,  
Ҳикмат нурига тобланг,  
Битта хумчага солиб.



Кибрни түплаб, ёқиб,  
Олиб бир оз кулидан,  
Аралаштиринг Иймон  
Дарахтининг гулидан.

Үйламангки, бу дарахт  
Қўҳиқоғнинг тоғида,  
Гуллаб турипти, шундоқ,  
Кўнглимизнинг боғида.

Хумчангиз ўз-ўзидан  
Нур таратган замони  
Қўлга оласиз, демак,  
Тайёр бўлипти дори.

Вирусни ҳайдаш учун,  
Бир томчиси етади.  
Ҳаётингиз бутунлай,  
Гўзал бўлиб кетади.

Энди қаноат майин,  
Бир косага шопириб,  
Ейсиз қаттиқ нонни ҳам,  
Шу косага ботириб.

Сарфламайсиз бехуда  
Умр, бойлик, асабни,  
Ақл тизгини билан  
Жиловлайсиз фазабни.

Сизға зулм қилганни  
Қарғамайсиз ошкора,  
Ундан қутилиш учун  
Кўрилган битта чора:

Үтинасиз: “Ё, Роббим!  
Үшанга инсоф бергин,  
Агар инсоф бермасанг,  
Ўзинг кифоя қилгин”.

Урмай, сўкмай, тортишмай,  
Тоқат билан кутасиз,  
Яратганга қасамки,  
Сиз, албатта, ютасиз.

Ким сизни балном қилиб,  
Ким устингиздан кулар,  
Хаёлан ўша ёқقا,  
Юборинг атиргуллар.

Кимга не тиласангиз,  
Яҳши биласиз, магар,  
“Ўзингга ҳам бўлсин”, деб,  
Туришин фаришталар.

Заҳарга бол қайтариб,  
Зулматга сочиб зиё,  
Бир марта қарғаганни.  
Минг бор қиласиз дуо.


Ҳушёр бўлинг, дорига  
Тушмасин ҳasad чанги,  
Кеку араз қўшилса.  
Бузилар таркиб, ранги.

Синаб-синааб, уни қалб.  
Шишасига қўйдим мен.  
Оғзига такбир айтиб,  
“Сабр” деб, ном қўйдим мен.

Сүнг “Шукур” калимасин,  
Қопқоқ қылдым дорига,  
Хавола қылдым аҳли  
Дониш эътиборига.

Иншооллоҳ бу дори,  
Ушлаб маҳкам қўлидан,  
Одамларни қайтарар,  
Жаҳаннамнинг йўлидан.

Мен эса шу дорига,  
Чорлаб инсон зотини,  
Иншооллоҳ оламан  
Нобел<sup>1</sup> мукофотини.



Шаклланган етноз жангири тунб  
“Нигонд мисбади ташким жеб  
жаш та — нигонд мисбади  
нигонд мисбади ташким жигонд

“Нигонд мисбади ташким жигонд  
табиданди ғулло ташким ташким  
мисбади ғулло ташким жигонд  
ташким жигонд ташким жигонд

<sup>1</sup> Математика фанидан ташқари, барча илм, фан соҳасидаги катта кашфиётлар учун бериладиган халқаро мукофот.

## ЎПКАСИ ТЕШИК ОТ

Қадим замон бозорга бориб,  
От сотипти бирровга биров,  
Олган одам депти: — Тартиб шу,  
От айбини айтасиз дарров.

Яширсангиз агар айбини,  
Пули сизга бўлмайди ҳалол,  
Пешингиздан дўзахга тортар,  
Айбин айтмай сотилган ҳар мол.

— Бу отимнинг ўпкаси тешик, —  
Депти, отин сотётган киши,  
От олётган одам қараса,  
Тушмаганмиш биронта тиши.

Қассоб экан, от олган одам,  
Дермиш: “Зўр-ку, кишнаб, чопиши,  
Буни билмай айтдиёв, майли,  
Яхши чиқса бўлди қазиси”.

Отни сўйса, ўпка тешикмиш,  
Ваҳ, эгаси қаердан билган?  
От эгаси депти: — Бу аниқ,  
Чунки, унинг боласи ўлган.

Отга шунча бўлса, одамга,  
Фарзанд доги оғир мусибат,  
Юзин юлмай сабр этса ким,  
Мукофоти, албатта, жаннат.



## ХУКМ

Йигит деди: — Молимни  
Отам олиб қўйдилар,  
Қандай ҳукм қиласиз?  
Расулллоҳ дедилар:

— Бир гап айтаман сенга  
Бу бир умрлик ўгит:  
Ўзинг ҳам, мол-мулкинг ҳам  
Отангники, эй, йигит.



## ЭҢГ ГҮЗАЛ ТУШИМ

“Яқынларингиздан бошланглар, —  
Дейилган, — яхшилик қилишни”.  
Шу ҳикмат хурмати айтаман,  
Умримдаги эңг гүзал тушни.

Чақалоқли бўлди келиним,  
Азиз неъмат этилди ато,  
Йиглаб чиқди бир кун гўдаги,  
Ярим кеча бўлгунича то.

Деразасин чертиб оҳиста,  
Дедим: — Қарашибайнми, онам?  
Келин деди: — Қийналасиз-да...  
Дедим: — Савоб бўлади, болам.

Олиб чиқдим болани секин.  
“Алла” айтдим, хонамга кириб,  
Инжиқ чолим овозимиздан,  
Ўйгониб кетмасин ишқилиб,

“Кечқурун ҳам тинчлик йўқ!”, дея  
Калишини отмасин тағин,  
“Бор, обкириб бер”, деб, жоврайди.  
Жоним, болам, секин йиелагин.

Набирамиги бағримига босиб.  
Юриб чиқдим яқин тонғача,  
Кейин юмшоқ курсига чўкиб  
Ухлаб қолдим, билмайман, қанча?

Туш кўрибман, тушимда Каъба,  
Намоз, сафда бўлиб қолибман,  
Сафлар “зув-зув” алмашиб, ўзим  
Эңг олдинга чиқиб қолибман.



“Жамоатнинг намозин ўқи”  
Дермиш салобатли бир овоз,  
Кўзимда ёш, вужудим титраб,  
Имом бўлиб, ўқибман намоз.

Аёл бошим билан бу не ҳол?  
Туш ичида кўрганим не туш?  
Яна қанча ўқиганимнинг  
Аладини Оллоҳ билармиш.

Шу тушимни кимгадир айтиб  
Турганимда, уйғониб кетдим.  
Тонг отилти, қучоққинамда  
Ухлар эди жажжи гўдагим.

Сўзлаб берсам тушни чолимга,  
Деди, артиб ёшли кўзларин:  
“Мен ҳам шу туш учун тун бўйи  
Бола қараб чиқсан бўлардим.”

Шундан бери йиғласа бола,  
Чолим қулоқлари бўлиб динг,  
Келинга дер: “Агар набирам  
Ухламаса, ўзимга беринг”.

Баъзан эслаб ўша тушимни,  
Дейман: “Оллоҳ мардларнинг марди,  
Келинга бир яхшилик қилсам,  
Минг баробар қилиб қайтарди.

Ҳарамдаги ҳар ракат намоз,  
Ёзилса гар минг ракат бўлиб,  
Менга, ўҳ-ҳӯ, қанча марҳамат,  
Тарозилар кетади тўлиб.



Сизга балки, кулгили, аммо,  
Охиратдан умидим бисёр.  
Дунёнинг энг қутлуг ерида  
Озми-кўпми имоматим бор.

Иншооллоҳ, у қун дейилур:  
“Бу — Марҳабо, шоири авом,  
Аёллардан чиққан ягона,  
Биринчи ва охирги имом”.

Сўрасалар: — Аёл кишига  
Бу даражот берилди нечун?  
Дейилади: — Келинга қилган  
Биттагина яхшилик учун.





## **САВОБКОН**

Мустақил бўлдилар овсинлар секин,  
Ўз уйида яшар тинчгина, эркин,  
Сиз эса, кут, кузат, ололмайсиз тин,  
Қайноаси билан турган келинлар.

Кексалар соғ бўлса, туришмас бекор,  
Уйга қоровулу, болага дастёр,  
Ким инжик қарир, ким ҳалим, беозор,  
Қайноаси билан турган келинлар.

Осонмас, баъзисин феълин кўтариш,  
Гоҳо дуо олиб, гоҳ олиб қарғиш.  
Хизмат қила-қила гоҳо ейсиз мушт  
Қайноаси билан турган келинлар.

Эгачи, сингиллар жонларга малҳам,  
Аммо баъзилари олгир, муттаҳам,  
Кўнглин олиш керак ҳаммасининг ҳам,  
Қайноаси билан турган келинлар.

Катталар бор жойдан узилмас меҳмон,  
Кетар ошу овқат, тандир-тандир нон,  
Бу уй ҳамманики, бу уй — таламон,  
Қайноаси билан турган келинлар.

Бир қизи зирагин илиб кетади,  
Бир ўғли гиламин шилиб кетади,  
Сизга қолса ёвга қолиб кетади,  
Қайноаси билан турган келинлар.

Баъзи овсинларда икки қарич тил,  
“Кексаларга ундей гапир, бундай қил”.  
Ойда бир келишиб ўргатар ақл,  
Қайноаси билан турган келинлар.



Дерлар: Сизга қолар шунча ую жой,  
Бизлар янги рўзғор, сиз бўласиз бой,  
Сизга қолганиям қурсин-а,вой-вой!  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Дегингиз келади, бор нарса сизга,  
Ташиб олиб кетинг ўз уйингизга,  
Дадажон, аяжон қолса бас бизга,  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Мен ҳам олиб кетай, демас, онасин,  
Тўрт кун қарай демас, хаста отасин,  
Булар ўстирган-ку бирдай ҳаммасин,  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Онасин талашмас мол талашгандай,  
Нарсасин талашар жон талашгандай.  
Ёқа ушлаб дейсиз: “Ё, тавба, ҳай-ҳай!”  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Кексаларга ҳеч ким бўлмас харидор,  
Ва лекин улардан ҳар бола ҳақдор.  
Улар сизга керак, сиз уларга зор.  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Бир ерга чиқсангиз дер: “Келинг, тезроқ”.  
Кутарлар онасин кутгандай муштоқ,  
Чунки силтамайсиз, солмайсиз қовоқ,  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Тунда ухламади қайнона бугун,  
Қон босими ошди, билмайсиз нечун,  
Сиз яна ёнида бедор туну кун,  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Хаёт кони меңнат сиз учун ҳозир,  
Кексалар, фарзанд, эр, иш, югур-югур,  
Болангиздан күринг, илоҳо, ҳузур,  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Кекса ота-она ҳаёт экан то,  
Сизга савоб кони этилмиш ато,  
Савоб олиб қолинг, обқолинг дуо  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Сиз қазган савобкон олдида ҳаңч,  
Олтин конининг ҳам бўлмайди қадри,  
Тарозига фақат савоб тушади,  
Қайнонаси билан турган келинлар.

Оллоҳ номи ила, Марҳабо сўзим:  
Меҳнатингиз қаттиқ, тилайман тўзим.  
Ҳеч ким билмаса ҳам биламан ўзим,  
Қайнонаси билан турган келинлар.



## ЯНГИ ДАРВОЗА (ривоят)

Хабар келди: "То тўртгагача,  
Уйланишга берилди рухсат,  
Лекин билинг, хотинлар ичра  
Қилолмайсиз асло адолат."

Бир бой деди: "Хотин устига,  
Олиб битта сарви қоматин,  
Иккаловин ўрталарида  
Ўрнатаман мен адолатни".

Уйланди ва айтганин қилиб,  
Бир хил қўрди икки хотинни,  
Бир хилда уй, бир хил дераза,  
Бир хил ўчиқ, бир хил ўтини.

Бир хил жаҳл, бир хил табассум,  
Бир хил салом, бир хилда алик,  
Ҳатто кийган кўйлаклари ҳам,  
Бир хил ёқа, бир хил тугмалик.

Бой ўйлади: "Бўлар экан-ку,  
Адолатни ўрнатса агар.  
Ёлғон чиқиб қолса-я, ажаб,  
Фаришталар келтирган хабар".

Хулосага сал шошилди бой,  
Юрганида ўз-ўзин мақтаб,  
Буюк қудрат соҳиби сўзин  
Ростлигини қўйди тасдиқлаб.



Тұққиз ойда туғди хотинлар,  
Бири қизу бири ўғилча,  
Бой хижолат, ёғилар савол:  
“Бу қанақаadolat, почча?

Бирига қиз, бирига ўғил?  
Тушунмадик, бу қандай ҳолат?  
Келиб-келиб, эңг муҳим ишда  
Қилмабсиз-ку, ахир,adolat?!”

Чақалоқлар чилласи чиқмай,  
Бойнинг уйи ғамхона бўлди,  
Э, йўқ, бе йўқ, умр экан-да,  
Икки хотин бир кунда ўлди.

Бой қилдирди бир хилда кафан,  
Бир хил тобут, бир хил сагана.  
Бир пайтда чиқсан тобутлар,  
Деса, битта экан дарвоза.

Икки қулоч деворни бузиб,  
Бир дарвоза қурилди яна,  
Бой кўнгли тўқ, руҳлар шод бўлсин,  
Адолатми,adolat, мана.

Бир хил дарвозадан бир пайтда  
Чиқиб кетди иккала тобут.  
Бой ўйлади: “Адолатимдан  
Хотинларим бўлгандир хушнуд”.

Шу кеча туш кўрса, бош хотин,  
Дермиш: “Рози эмасман сиздан,  
Эркалатиб, янги хотинни  
Чиқардингиз янги эшикдан”.

## КУТИШ

Бобом уста эдилар катта,  
 Қаср қурғанмишлар жаннатда,  
 Дермиш: “Қурай, сенга ҳам битта,  
 Фишинг қачон келади, болам?”

Үлгандарин билиб турибман,  
 Түш эканин сезиб турибман.  
 Бобом дермиш: — Кутіб турибман,  
 Фишинг қачон келади, болам?

Дер әмишман: — Қасрим битған-ку,  
 Қызын узатиб, келин олдиму,  
 Яшайпман, нима савол бу:  
 “Фишинг қачон келади, болам?”

Битта құринг салобатини,  
 Нақшу нигор ҳашаматини.  
 Бобом тақрорлармиш гапини:  
 — Фишинг қачон келади, болам?

Иморатинг зұр, аммо, бироқ,  
 Үнда яшай олмайсан узоқ,  
 Боқийсига уй тикла тезроқ,  
 Фишинг қачон келади, болам?

Жаннатда ҳам бор уй, маҳалла,  
 Аммо, битта құрсайдинг. Мана,  
 Қанча уйлар ётипти чала,  
 Фишинг қачон келади, болам?



Сенинг уйинг, қуруқ пойдевор,  
Түсін, устун, әшик-ром юбор,  
Бу ёқ ҳам бир муқаддас рұзгор,  
Фильтинг қачон келади, болам?

Дер эмишман: — Худоё, товба!  
Жаннатдағыш топилмаса-я!  
Үзимизда яхши экан-да,  
“Фильтинг қачон келади, болам?”

Сиз уста бұлсангиз, бу не ҳол?  
Қуравермайсизми, бемалол?  
Бордир, ахир, сотарға қум, лой?  
— Фильтинг қачон келади, болам?

Бу қасрнинг меъмори — иймон,  
Хомашёси — хайри эҳсон  
Шошил, танда борлигига жон,  
Фильтинг қачон келади, болам?

Мармардан қур, нурдан қур қаср,  
Садафдан қур, дурдан қур қаср,  
Ким ұзарға мусобақа қил,  
Фильтинг қачон келади, болам?

Күрган десин, тутганча ёқа:  
“Қолған экан етишиб Ҳаққа,  
Охиратта ишлапты роса”,  
Фильтинг қачон келади, болам?

Вафо қилмас олтину заринг,  
Савоб бұлсын йиққан гавҳаринг,  
Ичим ёнар кечиккан саринг  
Фильтинг қачон келади, болам?



Тасаввур қил, умр дарёдир,  
Икки қирғоқ — икки дунёдир.  
Иккисин ҳам обод қил ҳозир,  
Фиштинг қачон келади, болам?

Бу дунё деб, у ёқдан кечма,  
У дунё деб, бу ёқдан кечма,  
Икки ёққа бир хилда сарфла,  
Фиштинг қачон келади, болам?

Қылғанинг ҳар савоб, яхши иш —  
Шу қасрга күйилган бир гишт,  
Күзим йўлла, юмушим — кутиш  
Фиштинг қачон келади, болам?



## ИККИ ТАРОЗИ

Бир савдогар бозорда  
 Олиб сотар эди ун.  
 Камида юз одамга,  
 Хизмат қиласы ҳар кун.

Эллик йил шу касб билан  
 Чүмичи бүлди мойда.  
 Етмиш йилда дард тегиб,  
 Ётиб қолди бир жойда.

Оғирлашиб бир кече  
 Жон келди томогифа,  
 Таҳлил айтарди тинмай,  
 Укаси қулоғига.

— Ла иллаҳа иллаллоҳ,  
 Жон, акажон, тақрорланг,  
 Ака деди: — Шу сүзге  
 Тил келмаяпти, аттанг.

Айтай десам, бүгзимга  
 Бир құл келиб қоляпти.  
 Тарози шайинини  
 Тиқиб-тиқиб оляпти.

Бу ақволни эшитиб,  
 Ука күнгли кир бүлди.  
 Деди: — Айтинг, акажон,  
 Бу қандайин сир бүлди?

Ака хириллаб туриб.  
 Тушунтириди ғапини:  
 — Жон, ука, еб қүйганман  
 Құпчиликнинг ҳақини.



Мен савдони икки хил  
Тарозида қылардим.  
Тарозилар сирини  
Фақат ўзим билардим.

Бир тарози не тортса  
Түғри тортарди доим.  
Бирин шайинин бузиб,  
Фойдамга мослаб олдим.

Тортиб олаётганда  
Түғрисин ишлатардим.  
Тортиб берәётганда  
Үғрисин ишлатардим.

Үғрисининг шайини  
Бир кило кўрсатган дам,  
Түғрисида чиқарди  
Етти юз эллик грамм.

Уч юз кило ун сотсан  
Юз кишига ҳар куни,  
Тарозидан урадим  
Етмиш беш кило унни.

Уч юз олтмиш беш кундан  
Иборат бўлса бир йил.  
Етмиш беш кило унни  
Шу рақамга кўпайтириш.

Йигирма етти минггу  
Икки юз етмиш беш. Ун  
Эллик йилда бир ярим  
Миллион килога яқин.



Билар эдим савдода  
Олтін қоида — тұғрилик.  
Нафс деб бүйнимга тушди  
Үттиз минг қоп ўгрилик.

Үттиз мингмас, миллиард қоп  
Қылганимда ҳам уни,  
Дұзахда бир бармогим  
Күйганига арзирми?

Оллоғыннан тарозиси  
Ерга ўрнатылған тоб,  
Гунохим палласига  
Тушар шу үттиз минг қоп.

Дод, савобим палласи  
Күкда муаллақ қолиб,  
Гунох палласи юқдан  
Ерга кетади оғиб.

Бу ҳаромни боламу  
Чақамга едиргандым,  
Энди мени дұзахдан  
Ким қутқариб олар, ким?!

“Түй, сарпога пул топинг!”  
Деган, хотиним қани?  
“Данғиллатиб том ёпинг!”  
Деган, хотиним қани?!

Етган ерим шу бұлды,  
Эл ҳаққын юла-юла.  
Ука, боримни сотиб,  
Зар матога кафанла.

Хар киши ҳаққин сұраб,  
Пулсиротда тутилсам,  
Шоялки, бир парчадан  
Йиртиб бериб қутилсам.

Ох, укажон, “Аттанг!”, деб  
Ёздир қабр топнимга  
Үгри тарозимни ҳам,  
Үрнатиб қүй бошимга.

Барча аҳли савдога  
Умрим бүлсин бир ибрат,  
Тобутимни мозорга  
Тош, тупроқ отиб кузат.

Бирөв ҳаққин бирөвда  
Қолдиրмас экан Оллох,  
Охирада энди мен  
Нима қыламан, зй, воҳ!..

Калима келтиролмай,  
Үлди савдогар ночор.  
Гувоҳларнинг тилидан  
Ёзилди ушбу ашъор.

## МУЛК

Хозир мулкдорлик даври бошланди,  
сизнинг ҳам шахсий ер-мұлқингиз борми?

Мухбир саволи

Бу саволни күп әшиетғанман,  
Шукур, элнинг күпчилиги бой,  
Ҳамма ерда ободончилик,  
Ҳатто қишла ҳеч ким кечмас лой.

Бир қишлоқда ўнлаб корхона,  
Иш жойлари үгил-қизники,  
Каттами, кичикми, майли-да,  
Эңг муҳими — ўзимизники.

Мулк ҳақида фикрим бошқача,  
Тушунмоққа қилинг ҳаракат,  
Сизга айтсам, жисмимнинг ўзи,  
Бутун бошли битта мамлакат.

Мен ҳеч нени янги қурмадим,  
Ишлар ярим асрдан бүён,  
Оллоқ қуриб берган беминнат,  
Битта “завод” ва бир “тегирмон”.

Ақлим — пошшо, онгим — ҳуқумат,  
Құл — күз, барча аъзо — фуқаро,  
Ҳар бирининг ўз юмуши бор,  
Ихчамгина шу жисмим аро.

Тегирмонда ўттис икки тош,  
Ўзи эзіб, ўзи аталар.  
Кейин ишлар ақдли завод,  
Нима, қайға — ўзи жұнатар.

Уларнинг хомашёсини  
Ишлаб топар қўл-оёқларим.  
Жараёнда иштирок этар,  
Албатта, тил, қўз, қулоқларим.

Виждан деган бир идорага,  
Ҳар лаҳзада бераман ҳисоб.  
Катта тафтиш ҳали олдинда,  
Ҳар луқмамга бераман жавоб.

Шу буюк мулк тасарруфимда,  
Яна нени қиласайин талаб..?!  
Асли менга шунинг ўзин ҳам,  
Эвлаб туриш ўзи — катта гап.

## **КЕЛИШЛАРИ БИР БАЙРАМ, КЕТИШЛАРИ БИР БАЙРАМ**

Үғил-қызда беш-үнта бола  
 Бобо-буви бұлдик, минг шукур.  
 Үн беш кунда бир келишмаса  
 Күзимиздан үтади бир-бір.

Юрагимиз “оқиб” кетади,  
 Бир күриниш бермаса улар,  
 Соғинганда тонгдан шомгача  
 Ышаларнинг суҳбати бұлар:

“Каттасини қара, ақдли,  
 Кичигининг тиллари бийрон,  
 Үғилчаси сакраб чарчамас,  
 Қизалоги асал, қақажон.

— Құнгироқ қыл, — дейдилар чолим, —  
 Гилосимиз пишди, келишсін.  
 Үраб қўйдим икки шохини,  
 Қўли билан узиб ейишсін.

Туришса-ку тез-тез жұнатиб,  
 Жа, қаттиқ-да, қудаларинг ҳам,  
 Набиралар бизгаям шириң,  
 Соғинаркан кўрмаса одам.

Ва ниҳоят, кириб келишди,  
 Бола билан тўлди ҳовлимиз.  
 Мушук қочиб чиқволди томга  
 Зумда бозор бўлди ҳовлимиз.

Чолим деди: “Болаларимнинг  
Келганларин байрам қиласиз,  
Бир куркамни босдим қозонга  
Еганларин байрам қиласиз”.

Набиралар бошлишиб байрам,  
Ховлини чайишди бир пастда,  
Чилобчини отилиб томга  
Сопсиз қолди шўрлик обдаста.

Гилосларнинг шохлари синди,  
Пайҳон бўлди гулмиди, лола.  
Бир шўхлиги ўнта бўларкан,  
Бир-бирига қўшилса бола.

“Ҳой-ҳой”ингга қарамай юрар,  
Бири томда, бири дараҳтда.  
Байрамни ҳам унутиб чолим,  
Ҳайратидан буб қолди “такса”.

Бир бобони олти набира  
Суробини қўйди тўғрилаб,  
Чолим деди: “Зап ҳам буларга  
Қудаларинг яшаркан чидаб.

Бирисининг қўли шилинган,  
Битталари йиртган кўйлагин,  
Бўлди, энди байрам тугали,  
Қачон кетишаркин, сўрагин.

Бошим оғриб қолди-ку менинг  
Эшигимни ёпиб қўй зичроқ,  
Берадиганингни бергину  
Уйларига жўнатвор тезроқ”.



— Вой, үзингиз чақирдингиз-ку  
“Софиндим”, деб қўймай ҳолига.

— Товба қилдим, энди уч-тўрт ой  
Келмай туришса ҳам майлига.

Кечга яқин кетишди қизлар  
Мен ҳам чарчаб, бир бўлди ҳолим,  
“Тинчлик қандай баҳт!” — дея секин.  
Уйдан чиқиб келдилар чолим.

— Бир соатга зўрга ярадим,  
Вой-вой, бир-ку ҳовли хонаси  
Асли, ўша қудаларингга  
Орден бериш керак, онаси.

Ва кулдилар: Жонлар роҳатта  
Етишганин байрам қиласиз,  
Кел онаси, чой дамла битта,  
Кетишганин байрам қиласиз.



## “ОИЛА”

Бирам иссиқ бу күрпа,  
Бирам яйратар танни,  
Ҳар кун унда мириқиб  
Ухлар битта Афанди.

Ул зот ўзи күп нозик,  
Пардан ҳатто түшаги,  
Бу баҳт камдай, ёнида  
Ухлар ювош эшаги.

Эшак боши бпрам паст  
Унинг боши баланддир.  
Фовлаб ўсар ўртала,  
Ҳуқуқ деган қалампир.

Эшак шўрлик қаролмас  
Афандининг бетига,  
Мустақил бир сўз айтса  
Таёқ ейди кетига.

Энди уни ўлгунча  
Қийнамас эрк хумори,  
Ечмаса бас бўйнидан  
Никоҳ деган туморни.

Алтын күннөң күні  
Сабактың күні  
Түншілдік күні  
Денес күні  
Күннөң күні  
Алтын күннөң күні



## Десавиайча оқанылар



Хар киши обрүни элдан  
Зүрга мисқоллаб иигар,  
Кетмасин обрүси каснинг  
Кетса ҳам жони агар.

Балык-басынан токтады  
Озаның да 1922-жылдан  
Балык-басынан токтады  
Приемъюн токтады

Алтын күннөң күні  
Сабактың күні  
Түншілдік күні  
Денес күні  
Күннөң күні  
Алтын күннөң күні



## ҮЛМАСИН

Майли ўлса жисму жон,  
Номуси-оринг үлмасин.  
Құни-қүшнинг, улфатинг ҳам  
Дұсту ёринг үлмасин.

Борми, деб, ҳар лаҳзада,  
Йүққаб түрүр ота-онант.  
Қүш қанотинг — ўша икки  
Харидоринг үлмасин.

Үчмасин, десанг, агар ҳеч  
Хонадонингда чироқ.  
Жуфтинг ул уйнингдаги  
Күзи хуморинг үлмасин.

Ризқ-насиба бандага,  
Албатта, Олдоған келур,  
Оңшы нонингга сабаб ул  
Касби коринг үлмасин.

Молни инсоф-ла олу  
Инсоф-ла сөт, эй, савдогар,  
Охират куни қасод бўлиб,  
Базоринг үлмасин.

Бир сабаб бирла азиз,  
Қилгуси Оллоҳ бандасин,  
Ҳофиз эрсанг хуш овоз,  
Танбур, дуторинг үлмасин.



Рози бўл қисматга, аммо,  
Лутфидан узма умид,  
Дарду ғамга қил шукур,  
Сабру қароринг ўлмасин.

Гар гадо бўлганда ҳам,  
Эй, Марҳабо, юргингда юр.  
Ҳар кунингда элу юрт —  
Хожатбаронинг ўлмасин.

## ПЕШОНАНГДА АГАР...

Йуқ қылолмас бандаси.  
Давлат пешонангда агар.  
Мавқею обру, чирой.  
Савлат пешонангда агар.

Устма-уст келган билан.  
Фам синдиrolмайди сени.  
Яхши уртоқ, дусту ёр.  
Улфат пешонангда агар.

Неки тақдирда ёзиэди.  
Кутылолмассан қочиб.  
Сабр этмай нетасан.  
Тұхмат пешонангда агар.

Үз ичингдан чиққуси.  
Ағерлару душманларинг.  
Бемең чиққай жигар.  
Кулфат пешонангда агар.

Жаннату дұзахни ҳар ким.  
Феъзу атвордин топар.  
Хүш бұлур хүлқінг сенинг.  
Жаннат пешонангда агар.

Покиди ҳам меҳрибон  
Солих чиқур фарзандтаринг.  
Қариганда ҳурмату  
Пизат пешонангда агар.

Бошласанг суз, Марҳабо.  
Ҳар уксиган дилни юпат.  
Хушабон шоир, деган,  
Хислат пешонангда агар.

## НАДОМАТ

Кибрни дилга жо қылдым.  
Нафсни — подшо қылдым.  
Хавасимни — Худо қылдым.  
Менинг одамлигим курсин!

Бирорға айласам хизмат.  
Қылғында хизматтарим миннат.  
Дилимда қолмади ҳиммат.  
Менинг одамлигим курсин!

Десам сизға: Күзим — үгри.  
Тилим құй-у, дилим — бүри.  
Ози ёлғон, күни түғри  
Менинг одамлигим курсин!

Олиб қолсам омонатни.  
Қылғыб қүйдим хиёнатни.  
Яна қылмай хижолатни.  
Менинг одамлигим курсин!

Олай деб қасд, қылғыб ният.  
Ёвимни айладым ғийбат.  
Бу ҳолимдан олинг ибрат.  
Менинг одамлигим курсин!

Үзим бир танғатик эшак.  
Кийиб минг танғатик күйлак.  
Бу дунёга бұлыб әрмак.  
Менинг одамлигим курсин!

Нонимда құшни ұаққи бор.  
Тузимда құшни ұаққи бор.  
Қылғыб феътимни мұмсик, тор.  
Менинг одамлигим курсин!

Десанг: — Кимсан? Деюрман: — Дод!  
Одамман-ку, бу не иснод?!  
Ичимда айтаман, ҳайҳот!  
Менинг одамлигим қурсин!



## **ТУПРОҚ**

Сенга бир арзиҳол айлай,  
 Қулоқ тутгил, онам тупроқ,  
 Шакл бошқа-ю, аслида,  
 Сенам тупроқ, менам тупроқ.

Ичингга бир уруғ тушса,  
 Берурсан, минг қилиб қайта,  
 Ўзинг ер, ҳимматинг осмон  
 Кабидур серкарам, тупроқ.

Ўзингни хокисор билдинг,  
 Тамоми хокисорлардан,  
 Тушиб маъқул яратгонга,  
 Бўлибсан муҳтарам, тупроқ.

Менинг-чи, кибр-ҳавойимдан,  
 Само бўлди бу кун бошим,  
 Фикр этмам, келиб бир кун,  
 Бўлурман бир ғарам тупроқ.

Демасманки, тириклика  
 Қилай тоат, чироқ ўлсун,  
 У дунёда бўлур битта  
 Совуқ, зулмат хонам тупроқ.

Бино қўйдим чиройимга,  
 Фуур қилдим, тушундим, кеч,  
 Бўлурман бўлсамам қанча,  
 Пари чеҳра санам тупроқ.

Тириклика сенга қаттиқ  
 Оёқ босдим, қасос олма,  
 Борур бир кун қучоғингга,  
 Менинг ҳам гул танам, тупроқ.

Үшат күн құрқаман, чунки,  
 Савобимдан гуноҳим кўп  
 “Қалтайсан энди?”” деб, мендан  
 Олурсанми атам, тупроқ.

Киурда Марҳабо йиғлар:  
 “Сиқиб менга азоб этма,  
 Шу боиски маломатдан  
 Кунгилда кўп ярам, тупроқ”.





## ТОПДИМ

Қадрдонлар, қараб дилни  
Бу күн кибру ҳаво топдим.  
Ва, ҳар кимдан үзим яхши,  
Деган, ёлғон даъво топдим.

Тафаккурим күзи бирлан  
Күнгил уйин қилиб тафтиш.  
Асл ёрни эмас, дунё, деган.  
Ёт дилрабо топдим.

Ушат ёлғончи ёрнинг  
Құлида күнглим асир эрди.  
Куриб Шайтонни шод унда,  
Үзим мотамсаро топдим.

Менга гүё қилиб ибрат.  
Яратмишdir уни Холик.  
Ушат юзи қародан ҳам,  
Үзимни беҳәә топдим.

Еуур отига миндим мен.  
Ү булди менга йулбошчи.  
Йүлім охирда "дұзах"  
Деган тенгесиз баю топдим.

Унинг тафтiga дош бермай,  
Юзим бирлан күзим күиди,  
Түкілди чин юракдан,  
Тавба ёшидан шифо топдим.

Үмр үртасыда мен ногаңон,  
Қылдым үзимни кашф.  
Вужудим оппозу, ағсусе,  
Күнгилни қоп-қаро топдим.

Дилимни титкилаб шунча,  
Тополмай битта хўп хислат,  
Эгилди бошиму қайтанга,  
Шунча можаро топдим.

Гуноҳим тогига байроқ  
Қилиб тиқдим забонимни,  
Бпровлардан кўра кўпроқ  
Ўзим ундан жафо топдим.

Кўзим очилганида эй, ўзим,  
Сени сўраб, истаб,  
Адашгану қоқинган,  
Қанча осийлтар аро топдим.

Бу аҳволга туширган мени,  
Ким, тиетму, оёқ, ё қўл?  
Қилиб ҳисоб-китоб охир  
Ақтни норасо топдим.

Пушаймон ўтида қуйгай,  
Қиёматга қадар бу дил.  
Сен эй, дўзах, қўлинг торт,  
Марҳабога чин жазо топдим.



## ТАЗАРРУ

Мени авф эт, сен, эй, офтоб  
Жамолим, товба-товба,  
Меҳрибону раҳмадил,  
Баркамолим, товба-товба.

Неки ўтса мендин ўтди,  
Журму исёним улуг.  
Эй жазога шошмаган,  
Зулжалолим, товба-товба.

Қул бўлиб нафсимга юрдим,  
Кеч очилди қўзларим,  
Қаро бўлди бу номаи,  
Аъмолим, товба-товба.

Мен адашган нотавонни  
Келсин инсофга, лединг,  
Келса ҳамки сенга ранжу  
Малолим, товба-товба.

Бир нигоҳинг тушдию,  
Ерда қўриндим "ярқ" этиб,  
Ёнди иймоним чироги,  
Ҳилолим, товба-товба.

Пок қўлингда бир пайт лой  
Бўлганимнинг ҳурмати,  
Мени авф эт, ўзингсан-ку,  
Кулолим, товба-товба.

Кибр осмонига учди,  
Ерга тушди Марҳабо,  
Ўзинг покла тиниқ баҳри,  
Зилолим, товба-товба.

## БИЛИНУР

Ким хунук, ким чин гўзал,  
 Рўзи қиёмат билинур,  
 Кимда иймон сўнгану,  
 Кимда саломат, билинур.

Бунда тик юрган ҳисобмас,  
 Балки гуноҳ юкидин,  
 Ул куни ким эгилур,  
 Ким сарвиқомат, билинур.

Бунда пул, молинг ҳисобсиз,  
 Унда ҳисобдир аниқ,  
 Тўпладинг қанча савоб —  
 Қанча даромад, билинур.

Қарзни уз, узмай кетарсан,  
 Унда савобинг кетур,  
 Номай аъмолда қанча,  
 Камомад, билинур.

Бунда яхшию ёмон,  
 Тенгдай юришса ёнма-ён,  
 Унда кимга таънаю,  
 Кимга шафоат, билинур.

Бунда хор, унда азиздир,  
 Ким билур, қози — Илоҳ  
 Унда кимга олқишу,  
 Кимга маломат, билинур.

Марҳабони беиймон, деб,  
 Кулма, зоҳид, ул куни.  
 Чин муҳаббат кимда-ю,  
 Кимда хушомад, билинур.

## НАСИХАТ

Ҳақ йўлни тутинг,  
Ўзгача олам бўласиз, ўғлим,  
Жоҳил эсангиз, яхши бир,  
Одам бўласиз, ўғлим.

Бу — сабру қаноат йулидир,  
Хайри савоб роҳи.  
Мискин эсангиз, дунёда  
Бекам бўласиз, ўғлим.

Бир эски чопон, эски чориғ,  
Кийганингизда ҳам  
Иймон нури-ла хушрӯю  
Қўрқам бўласиз, ўғлим.

Файрат ила дилни тозалаб,  
Барча қусурлардан,  
Қўп яхши фазилат ила  
Ўқтам бўласиз, ўғлим.

Келса алам, эш бўлади  
Сабру қаноатлар.  
Бу нафсу ҳавас сўзига  
Беғам бўласиз, ўғлим.

Бир тоғ десангиз, кибру ҳаво  
Бирлан ўзингизни,  
Камтарлигу жўнлик ила  
Пастқам бўласиз, ўғлим.

Бир йўлки, қариндошу  
Яқинларга бўлиб содиқ,  
Тарқоқ эсангиз, хешлар ила  
Жаъм бўласиз, ўғлим.

Гар бой эсангиз, одат этиб  
Хайру саховатни.  
Мискину ғариб жонига  
Малҳам бўласиз, ўғлим

Гар тўгри юриб, тўгри туриб,  
Кечса умр текис,  
Келганда ўлим олдида  
Бардам бўласиз, ўғлим.

Бу таннию қўнгилни ювиб  
Ҳар куни беш бора,  
Эл олдида бир покиза  
Шабнам бўласиз, ўғлим.

Юрт устида султону, амир,  
Беклигингиз бўлса,  
Инсофда туриб, одилу  
Ҳотам бўласиз, ўғлим.

Пок касбу ҳунар бирла топиб,  
Ризқи ҳалолингиз,  
Ҳам хайри савоб йўлида  
Шаҳдам бўласиз, ўғлим.

Гар бу сўзим тескарисин,  
Айласангиз одат,  
Афсусу надомат ила,  
Мулзам бўласиз, ўғлим.

Гар сизга завол етса,  
Менга етганидир, воҳ ким,  
Жоним бўлаги, сиз менинг  
Парчам бўласиз, ўғлим.



## МАЛОМАТ

Аё, күнглим, ўшал Дўстнинг вафосига лойиқмассан,  
Вафоси не ва ҳатто бир жафосига лойиқмассан.

Бошиングни олдига отсанг, ити ўйнаб кўнгил очмас,  
Итин бир лаҳзалик кайфу-сафосига лойиқмассан.

Сенга — шармандага ул Ойни кўрмакка изн йўқдир,  
У деб минг эрисанг, битта шифосига лойиқмассан.

Ўшал қудрат сени ўлдирмагайки ер либос ўлса,  
Ўшал қора ва ҳам оғир матосига лойиқмассан.

Ўшал Ёрнинг ити ҳатто сенга янгиш назар солмас,  
Мана нархинг — итин ҳатто хатосига лойиқмассан.

Ҳисобингда губордай Марҳабо борми?! — десанг, у жим  
Нидо йўқ, дод, яна додки, садосига лойиқмассан.



## ИҚРОРЛИК

Садаф кўнглим тўла иллат, демак, нопок жунубдурман,  
Ёмон одам эканманки, жунубликка кўнибдурман.

Яралганда ёруғ эрди, дилим иймон нури бирлан,  
Кетиб иймон, мойи битган чироқ янглиғ сўнибдурман.

Десам ўзни уруг, жамбилу райхондан тўкилгандим,  
Вужудим ниш, ажаб, қайси тиканзорда унибдурман.

Кибр бирлан малол келдим ўзимга, ҳам жамоатга,  
Ўзимни икки дунёда маломатга қўюбдурман.

Фурур поясидан ҳою ҳавас осмонига чиқдим,  
Уялмасдан ўшат кўкли ҳилол янглиғ тўлибдурман.

Магар кимга яқин юрсам қилиб мулзам, бериб озор,  
Кичик аччиқ тилим бирлан гуноҳ тоғин уюбдурман.

Қилиб савдо фақат ҳою ҳавасларнинг бозорида,  
Қолиб нафс дардига, ҳайҳот, ўлибдурман, ўлибдурман!

Қачонки Марҳабо ўлди, дейишса, денг: “ажаб бўлди”,  
Тириклиқда чаён эрдим, қачон одам бўлибдурман?!





## ЁЛГОНЧИЛАР

Бу замоннинг бошига  
Бўлди бало ёлғончилар.  
Оlam ичра тарқатиб  
Ифлос ҳаво, ёлғончилар.  
Қанча жанжаллар чиқарди  
Эл аро ёлғончилар,  
Қанча дилни қилдилар  
Мотамсаро, ёлғончилар.

Бўлди моҳир, лаънати  
Шайтон қулида дарс ўқиб.  
Битта ёлғонин яшимоқчи  
Бўлиб, ўнни тўкиб.  
Кўнглига ёқмас кишини  
Битта тишлаб, бир чўқиб  
Қанча инсонлар дилин,  
Қилди яро, ёлғончилар.

Фийбату туҳматга уйдан  
Ҳар қулоқ динг бўб чиқар.  
Яхши ишу яхши сўзга  
Кўру кар, гунг бўб чиқар.  
Тушса бир гап қулогига  
Оғзидан минг бўб чиқар,  
Қанча поклар шаънини  
Қилди қаро, ёлғончилар.

Ҳар киши обрўни элдан  
Зўрға мисқоллаб йигар,  
Кетмасин обрўси каснинг  
Кетса ҳам жони агар.  
Битта туҳмат бирла ҳурмат  
Кўкка учди мисли пар,  
Бераҳм, жаллоду қотил —  
Беҳаё ёлғончилар.

Алданиб кўп яхшиларнинг  
Битмади ҳеч ҳожати.  
Сизни деб дўсту биродар  
Шуми кўрган роҳати?  
Хийла-ю найрангиздан  
Қолмади ҳеч тоқати,  
Тангри, пайгамбар, китобга —  
Бевафо ёлғончилар.

Кўлидан иш келмасу  
Тилларига полвон бўлиб,  
Фитнаю бўхтонининг  
Карвонига сарбон бўлиб,  
Соддалар бор жойда доим  
Соҳиби даврон бўлиб,  
Ўзларига охират қилгай  
Жафо, ёлғончилар.

Ўйламассиз нега берди  
Бандага тилни Худо.  
Дилни дилга боғламоқми  
Иши, ё этмоқ жудо.  
Ҳар сўзига охират кун  
Ҳар киши олгай баҳо.  
Қоламиз, деб, ўйламангки,  
Бежазо, ёлғончилар.

Эл билур, ёлғончиликдин  
Кўплар охир хорлигин.  
Рўзи маҳшарда Худодан  
Зўр жазонинг борлигин.  
Марҳабо ҳам ул наҳсдан  
Қанчалар безорлигин  
Билса эрди, билса эрди,  
Безиё ёлғончилар.  
Берсин инсоф сизга, деб,  
Қилдик дуо, ёлғончилар.



## **ҚҮРИНМАЙДУР**

Қайларда қароргоҳи жанона, күринмайдур,  
Күнгил мулкининг шоҳи, дурдона күринмайдур.

Борлиқни тўқис, бекам, ошкора бино этган,  
Меъмори жаҳон, Ўзи пинҳона күринмайдур.

Тутмиш зотини маҳфий беманзилу беҳожат,  
Бизларни қилиб лолу ҳайрона, күринмайдур.

Билмоқчи бўлиб, балки ошиқлар вафосини,  
Жўртта қилиб ўзни, афсона күринмайдур.

Ул битта нигоҳ ташлаб, Тур тогин қилибдур қул,  
Ҳайратла Мусо энди мардона, күринмайдур.

Васлинин талаб этган, кўнглим, ол ана ибраг,  
Гирдида Қўёшнинг ҳам парвона, күринмайдур.

Қаълбимга ўшал Ёрнинг ишқини чироқ қилсанам,  
Ишқ нури ёритган дил вайрона, күринмайдур.

Кўнглим бир қўчам бўлса, мен унда кезиб шодман,  
Масжидда чироқ ёнди, бутхона күринмайдур.

Бошимни эгиб излай ул Ёрнинг ризосини,  
Осмонга қараб юрмоқ шарқона күринмайдур.

Ёр манзили кўнгилдири — кўнгил қўзи бирлан топ.  
Тошкентда туриб боқсанг, Фарғона күринмайдур.

Чалғитма мени, дунё, ул Ёрда экан кўнглим,  
Уммон излаган кўзга фаввора күринмайдур.

Маҳшарда кўрингайму, мен бир сергуноҳ касга,  
Ул Дўстга менинг янглиғ бегона күринмайдур.

Қаҳридин чўчиб йиглаб ўлтирсам, туриб дерму:  
“Қайда, Марҳабо отлиғ девона, күринмайдур...”

## ЎЗИММАН

Ошиқларинг ичинда зўр харидор ўзимман,  
Олов оташ юраги, қўр харидор ўзимман.

Висолинг растасига чопса лак-лак харидор,  
Еуборинг растасида гўл харидор ўзимман.

Етмайды деб молимни, жонни солдим киссага,  
Ўйладимки, ақчаси мўл харидор ўзимман.

Дединг: “Менинг гардим — дур, сенинг жонинг  
икки пул”,  
Изза бўлдим, билдимки, гўр харидор ўзимман.

Сен ҳам ошиқмисан деб қулар бўлсанг, ўргилай,  
Қаҳқаҳангга ҳамд ила жўр харидор ўзимман.

Юриб-юриб адошиб Сенга йўлни топганда,  
Севинчдан кўз ёшлари кўл харидор ўзимман.

Сен томондан не келса, ҳатто, заҳар бўлса ҳам,  
Бол, леб, мақтаб олайин, қўр харидор ўзимман.

Умидим бор бир куни: «Кел, Марҳабо», деюрсан,  
“Кет”, десанг, гар, манглайи шўр харидор ўзимман.

## ХОФИЗ ҮГЛИМ

Алтын күннен күннен  
Алтын күннен күннен  
Алтын күннен күннен



## Хофиз үглим Абдунозимга ёзилган Күшикляр



Хар жойда ой, юлдуз бир,  
Уша тупроқ, уша қир,  
Нимасидир барибир,  
Үз юртингда бошқача.



## САВДОГАР

Тижоратини дүндириган савдогар,  
Бозорни молга түлдириган савдогар,  
Елиб-югуреб, чопиб, ўз халқига,  
Шоҳию кимхоб кийдириган савдогар.

Бир пайтлар номин атаб “чайқовчи”,  
Қайга борса, изида бир ковловчи,  
Шуқур, энди замон келди ажойиб,  
Тадбиркору ҳунармандни қўлловчи.

Кўнглин тарқ этмаса инсоф, диёнат,  
Харидор ҳаққига қилмас хиёнат.  
Мол нуқсонин айтиб сотмоқ иймондан,  
Тўғри ўлчаб, тортмоқ ҳам бир ибодат.

Дуо қилиб сўрай Роббим холиқдан:  
“Айримасин дастмоя-ю, соғлиқдан,  
Савдосига баракот бер, тинчлик бер,  
Қарз бўлмасин ижараю солиқдан”.

Тўғри, ростгўй савдогарлар, албатта,  
Ҳикмат бордир, юрар ҳурмат, иззатда,  
Пайғамбарлар билан, валийлар билан,  
Бир қаторда турагниш охиратда.

Марҳабо дер: Омон бўлсин, ўлмасин,  
Сиҳат юрсин, боши ташвиш қўрмасин,  
Тўлиб тошсин расталари мол билан,  
Бай очмаган куни асло бўлмасин.



## ЙҮЛ НАЗОРАТ ХОДИМЛАРИ

Құлларыда мигти таек,  
Бизлар рулда, газда оек,  
Тұхтатали юрсак чатоқ,  
Йүл назорат ходимлари.

Йұлларимиз текис, равон,  
Ипак йүли, тоғли давон,  
Тартиб қоидасига посбон,  
Йүл назорат ходимлари.

Шайтон қилиб ғоҳи “вос-вос”,  
Дейди: “Тезроқ ҳайда”, “бос-бос”,  
Тұхтатади, ана холос!  
Йүл назорат ходимлари.

Овга чиққан шердай пусиб,  
“Учар”ларнинг йүлин түсиб,  
Талонини берар тешиб,  
Йүл назорат ходимлари.

Гоҳ назорат хонасида,  
Гоҳ дараҳтлар панасида,  
Туришади ҳүшёр жуда,  
Йүл назорат ходимлари.

Чироқ ёқиб ҳайдовчилар,  
Бир-бiriни огоҳ этар,  
Деган каби: “Йүлда туар,  
Йүл назорат ходимлари”.

Хизмат жоин йүл, туну кун,  
Хавфу хатар, гарду гутун,  
Қаҳрамонлик умри бутун,  
Йүл назорат ходимлари.

“Бұлиб куй-газалға ошно,  
Яшаб юринг”, деб, Марҳабо,  
Хақингизга қылгай дуо,  
Йүл назорат ходимлари.

## ЭЪТИРОФ

Осмоннинг туриши ҳам,  
Юракнинг уриши ҳам,  
Чумчуқнинг юриши ҳам,  
Тошкент-Шошда бошқача.

Қалиндай гул, гулзори,  
Илиқроқдай қиши, қори,  
Ҳатто чопон бозори  
Самарқандда бошқача.

Мачит, минор, мезана,  
Кашта, палак, сўзана,  
Битта келиб кўринг-а,  
Бухорода бошқача.

Тил шеваси адабий,  
Солда, шўхлик абадий,  
Битта бўлса ҳам водий,  
Фарғонада бошқача.

Ўзига хос, уй, тутум,  
Чой қуишишар бир қултум.  
Гапириш йўқ гумбур-гум,  
Марғилонда бошқача.

Тўйларининг завқи бор,  
Тупрогининг барқи бор,  
Хоразмдан фарқи бор,  
Андижонда бошқача.

Сехрли куй-навоси,  
Ширинроқ сув, ҳавоси,  
Ҳатто қуёв сарпоси,  
Наманганда бошқача.



Тевараги қир, тоғлик,  
Балки шунга ҳам боғлиқ,  
Улфатчилик ўртөглиқ,  
Шаҳрисабзла бошқача.

Боғларнинг булбули ҳам,  
Дўппиларнинг гули ҳам,  
Ўчоқларнинг кули ҳам,  
Жиззах юртда бошқача.

Софлик, содда, жўнликлар,  
Дўппи, яктак, тўнликлар,  
Лол қолар японликлар,  
Бойсун элда бошқача.

Ҳар жойда ой, юлдуз бир,  
Ўша тупроқ, ўша қир,  
Нимасидир барибир,  
Ўз юртингда бошқача.





## БОЛАЛАР ЎЙНИНГ БОЛАСИ

Келмайди ота-ю онаси,  
Йўқламас тоғаю холаси,  
Қалбида овозсиз ноласи,  
Болалар уйининг боласи.

Уйи бор, умрида келмаган,  
Қўл куйиб қулча нон емаган,  
Тиллари “аяжон” демаган,  
Болалар уйининг боласи.

“Бойчечак”, “гул ёр”дан бехабар,  
“Омон ёр”, “алёр”дан бехабар,  
“Рамазон”, “ёр-ёр”дан бехабар,  
Болалар уйининг боласи.

Билаги кўзмунчоқ қўрмаган,  
Хўроқанд, қурутоб сўрмаган,  
Бешикеиз, алласиз ўлмаган  
Болалар уйининг боласи.

Кутишлар кўнглини ташламас,  
Улғайса кўзини ёшламас,  
Боласин кўчага ташламас,  
Болалар уйининг боласи.

Эй, инсон, доимо ҳушёр бўл,  
Бойлигинг, шуҳратинг икки пул,  
Дунёда бор экан хастадил  
Болалар уйининг боласи.



## ҚҰШДИЛАР

Сени алдаб, тұзалим, бегонага құшдилар,  
Үzlарича дунёда яғонага құшдилар.

Тенгинг сенинг тилломиши,  
Менинг ишқим ҳийломиши,  
Мени атаб қалбаки, ростмонага құшдилар.

Келди ёр-ёр овози, синди юрагим сози,  
Охларимни ёр-ёр деб, таронага құшдилар.

Қиқирлашиб янгалар, тераётіб тангалар,  
Мени лойга, ганимни дурдонага құшдилар.

Увол бүлди юракка, завол бүлди юракка,  
Бузиб ишқим қасрини, вайронага құшдилар.

Аlam мени ўлдирди, паймонамни тұлдирди,  
Хақиқатни, наҳотки, афсонага құшдилар.

Жоним кетди сен билан, юлдузларга тенг билан,  
Жасадимни бир шүрлик пешонага құшдилар.

Яйрашиб ғийбатидан, согларнинг рўйхатидан,  
Марҳабони учирив, девонага құшдилар.



## ҚИЗЛАРИМГА

Бу қизларим чучуктомоқ, егандари ҳолводир,  
 Яёв юрмас, мингандлари “Мерседес” у “Вольво” дир.  
 Ватанлари буюк, шундан жиндай баланд димоғлари,  
 Музқаймоқ емаса, кунда “тушиб” қолар томоғлари.  
 Аммо, камтар бўлсин дейман, тўқлик бўлсин кўзида,  
 Чунки дунё кузатётган Ўзбекистон қизи-да.

Эркалайман: “Бу дунёда сиздан гузал қизлар йуқ,  
 Ҳали сизга шаҳзодалар совчи қўяр, кўнглим тўқ”.  
 Зийнатлаб хулқ-одобини, ўргатиб илм-урфонни,  
 Таърифлайман алломалар юрти бўлган Туронни.  
 Фаҳр билан ўссин, дейман, иймон бўлсин ўзида,  
 Чунки олам кузатётган Ўзбекистон қизи-да.

Улар менинг бори-йўғим, кўзларимнинг қароги,  
 Юрагимнинг қувончию уйларимнинг чароги.  
 Ёшлигидан кийсин улар шарму-ҳаё либосини,  
 Бутун дунё ҳавас қилсин, одобию ибосини.  
 Шаънлари пок бўлсин. дейман, гард бўлмасин изида —  
 Чунки дунё кузатётган Ўзбекистон қизи-да.

шештакт тарын түрк  
аудиториянын түрк  
жөнөттердүн түрк  
шештакт тарын түрк



# Истикъордан аввали бүтилган шеңберлар



Бошиңг күттар, қаддингни тут,  
Сен ииқилмас минорсан.  
Мир Алишер экиб кетган  
Ўзбек деган Чинорсан!

## ҮЗИМ БИЛАН ТАНИШУВ

Мен ҳам наврӯз раҳматидан  
 Умидвор бир дараҳтман.  
 Нетай, қишининг даҳшатидан  
 Тану жони қараҳтман.  
 Бугун ногоҳ қўзим очдим,  
 Қулогим ҳам уқли сас,  
 Таним секин илимоқда,  
 Қўклам келса ажабмас.  
 Секин-секин, аста-аста,  
 Кузатдим ён-атрофни  
 Менинг каби кўп дараҳтлар  
 Кутаётири офтобни.  
 Ўйлаб қолдим: мен ўзи ким?  
 Саксовулми, ё терак?  
 Салқинимда бегоналар,  
 Арча бўлишим керак.  
 Қад-бастимни кўрдим бир кун  
 Боқиб офтоб томонга.  
 Бўйим шундай баланд экан,  
 Бошим тегди осмонга.  
 Унда нега томиримни  
 Каламушлар кемигар?  
 Баргларимда бир асрдан  
 Буён қуртлар семирар?  
 Менинг зумрад шохларимга  
 Алвон латта осди ким?  
 Йуқми, менинг ўз-ўзимнинг  
 Рангимга мос кўйлагим?  
 Бутоғимга нима учун  
 Зоғ-қаргалар ин қурган,  
 Тўтиқушлар ишратдаю  
 Ҳасратдадир булбуллар?

Нега менинг жоним оғрир,  
Тугамаюр «оҳ»ларим?  
Қани менинг Усмон деган,  
Чўлпон деган шоҳларим?  
Қачон эркин вужудимга  
Чирмовиқлар ёпишди?  
Бу талончи чумолилар  
Мени қачон топишди?  
Бошим қотди: кимникиман,  
Отим нима, зотим ким?  
Ким хўжайнин илдизимга?  
Кимга қарар баргларим?  
Кимга тегар мевам, гулим,  
Кимга мерос салқиним?  
Гар йиқилсан топиларми,  
Суярга бир яқиним?  
Савол билан ерга боқдим,  
Кўкка боқдим чулдираб.  
Ҳам заминдан, ҳам осмондан  
Садо келди гулдираб:  
“Бошинг кўтар, қаддингни тут,  
Сен йиқилмас минорсан.  
Мир Алишер экиб кетган  
Ўзбек деган Чинорсан!”

1989 й.

## ШУНЧА МАРҲАБО

Тонг ёришмай битта жисмимда  
 Уйғонади учта Марҳабо.  
 Бири — чўри, бири — хизматчи,  
 Бири — шоир, мискин, бенаво.  
 Хизматчи — мен шошар бекатта,  
 Уй супураг Марҳабо чўри.  
 Шоирамнинг иш жойи — юрак,  
 Унинг-чун йўқ қаламдан зўри,  
 Соат саккиз. Уйдан чиқаман.  
 Бир жисмимда шунча Марҳабо,  
 Бир кунини кўрар болалар,  
 Паноҳида асрасин худо.  
 «Маоштага неча кун қолди?»  
 «Соат қачон бўлади олти?»  
 Ишда шундай қўшиқ айтаман,  
 Уч бўлиниб уйга қайтаман,  
 Она, яна аёл Марҳабо  
 Етмиш йилки уйга қайтмайди.  
 Уч Марҳабо ортиқча бизга,  
 Икки Марҳабо-чи етмайди.  
 Болаларим түғилаверар,  
 Ва унутиб ўсар эртакни.  
 Ҳуқуқлари тент аёл билан  
 Яшаш қийнап шуртиқ эркакни.  
 Марҳаболар балки ёмондир,  
 Ёки ёмон фақат замондир.  
 Не замонки, эркак зотига  
 Чин аёлни қучмоқ армондир.  
 Сен-чи, қанча чидайсан яна?  
 Бўласанми бир кун оналик?  
 Калитини осиб, бўйнига,  
 Кўчаларда юрган болалик?!

1989 й.

## МЕХНАТ ТАТИЛИМ ТУГАДИ...

Бир йилгача алвидо.  
Яхши қолинг, хиналар.  
Үсмаю сурмаларим,  
Қылманг мендан гиналар.  
Энди сиз ҳам, соchlарим,  
Қаттиқ килинг жонингиз,  
Шошиб-шошиб тарасам  
Узилмасин торингиз.  
Саккиз соат буралиб,  
Бўғиласиз турмакда.  
Нетай, фурсат йўқ сизни  
Ўриб, ташлаб юрмакка.  
Энди бошланар яна  
Физиллаю чопа-чоп.  
Уй шифтида ўргимчак  
«Қурилиш» бошлар шитоб:  
Шанбагача соатлар  
Олтида «жар» солади.  
Қувноқ болаларим ҳам  
Ҳорғин бўлиб қолади,  
Ишхонада кечгача  
Менда бўлмас ихтиёр.  
Гоҳ орзудан юрагим  
Кенгаяру хонам тор.  
Бошлиқтарга барибир,  
Эркакмисан ё хотин.  
Хоҳ Кумуш бўл. хоҳ Гулнор  
Ишчи кучидир отинг.  
Шомда ташлаб кетади,  
Мени шаҳар мошини.



Ишдан келдим, болажон,  
Ол, онангнинг лошини!  
Ошхонадан ётоқقا,  
Хоначангга кирмайман  
Умид қилма, чарчадим,  
Эртак айтиб бермайман.

1989 й.





## ИШХОНАДА ЁЗИЛГАН ШЕР

Қани жүнанг, қоғозлар,  
Столимнинг устидан!  
Жинни бўлдим, ниҳоят,  
Ёзувларнинг дастидан.  
Узиб қўйдим тонгданоқ,  
Телефонларнинг симин.  
Бошлиқ йўқласа, айтинг  
Тугади «ташриф куним».  
Очмайман эшикни, бас!  
Сув босса ҳам оламни,  
Она бўлиб шу бугун  
Ўйлай, касал боламни.  
Аспириннинг таъсири  
Уч соатга ярайди.  
Билса, боғча оиласи  
Гўримга фишт қалайди.  
Туғилибоқ бoggчага  
Бола бўлган болам-эй,  
Гоҳ ориқлаб, гоҳида  
Бўла бўлган болам-эй.  
Нетай, ишлашим керак,  
Қийинчилик кезлари  
Афсус, буни тушунмас  
Томогингнинг безлари.  
Энди онанг узоқ йил  
Ўйлаб шўрва-ошини,  
Силаб яшар сенингмас  
Қоғозларнинг бошини.

1987 й.

## ХАШАР

### ОТАМГА

Бугун уйда йүксиз, гарчи якшанба  
 Бир күнлик тинимни нари итариб,  
 Саңардан қайсиidiр құшниникида  
 Девор ураяпсиз терлаб, қизариб,  
 Оҳорлы дүппингиз күрпа қатида  
 ·Байрамларни кутар, түйларни кутар,  
 Жони жонингизга туташ бу элнинг  
 Күпроқ ҳашаридә умрингиз ўтар.  
 ...Мен яшар күчада — яхшилик қиммат,  
 Ҳашарга чақырсым, ҳеч ким чиқмайди,  
 Бунда бир юракдан чиққан оқибат  
 Таъмасиз бир дилға калта тиқмайди.  
 Мен яшар күчада нұкуслық гүдак  
 Йиғлар туз йиғилған қовуғин ушлаб.  
 Мен уни нима деб юпатай, ота?  
 Мен уни қаерга обқочай?  
 Мея яшар күчада келажак-сүроқ,  
 Қурир бисотимда ёлғиз денгиз ҳам.  
 Қуриётган фақат у эмас, бироқ,  
 Тугаб бораётган ёлғиз у эмас...  
 Баъзида сиз эккан токларга боқиб,  
 Уялиб кетаман одамлигимдан,  
 Улар ҳамон сұритокларда яшар.  
 Улар қиша ухлаб, баҳорда туриб,  
 Ҳамон шу ҳөвлени билишар Ватан,  
 Яшил барғларидә шаббодаларга.  
 Ҳамон ўз тилдида қүйлайди қүшиқ.  
 Ҳамон ўз тилдида қүйлайди қүшиқ.  
 ...Менинг забонимни тингланг, отажон,  
 Кейин қулоқ беринг набирангизга.  
 Дейсиз: "Қай лаұжада нени сұзладайдыр.  
 Ваҳ, билиб бұлмайдыр, билиб бұлмайдыр!"

Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота,  
Юрагимнинг чукӯр-чукӯр ерига.  
У ерда ростларим нажотсиз ётар,  
Журъатларим патсиз, қанотсиз ётар.  
Ширин ёлғонларни шимиб яшадим.  
Гўзал ёлғонларни қучиб яшадим,  
Ёлғон билан бошни балодан асраб,  
Балки етмиш йилдан кўпроқ яшадим.  
Узоқ яшадим мен, узоқ яшадим.  
Рост сўзларим — гудакларим, яланғочларим  
Кўзлари жовдираб қолаверди жим.  
Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота,  
Зангор минорларин гурурин туймас,  
Буюк боболарин руҳига қуймас,  
Мозийдан бегона, ҳайрон кўчага,  
Ўзлиги, эртаси безовта қилмас.  
Шоир болалари жонин тикса ҳам,  
Тузатиб бўлмас бир вайрон кўчага  
Мен сизни ҳашарга чорлайман...

1988 й.

## ЮБОРИЛМАГАН МАКТУБ

*(Акамга)*

Ака, мени кутмай қўйган ҳовлимиз  
 Тушларимга кирап анжири гуллаб.  
 Кўзларига ўсма қўйган, саҳархез  
 Бир кампир яшайди эртаклар куйлаб.  
 Мана, мен кўз очиб таниган дунё:  
 Чилдирма, китоб ва дуторларингиз.  
 Ўзингиз қўшиққа этгансиз ошно,  
 Севишни ўргатган китобларингиз.  
 Фийбатчи шамоллар қулогингизга  
 Заҳарлар қўйдилар — бўғзингизда «дод»  
 Мехр ва нафратнинг оралифида,  
 Топилди бизларга муносиб ҳаёт.  
 Ака, мен бўйлари булатдан ўзган  
 Гул эдим, пастладим тупроққа қадар.  
 Бир кун қад кўтариб стиб олардим,  
 Маконингиз осмон бўлмаса агар.  
 Ака, қатлим учун келар ҳар баҳор  
 Менинг қайсарлигим, сиздаги нуфуз,  
 Гарчи орамизда ишқ билмас, беор  
 Бир дунё яшайди фасллари куз.  
 Энди мен ўスマйман, сизга етмайман.  
 Ўсар чирмовиқлар дилни озорлаб,  
 Айниқса, юксалмоқ мушкул осмондан  
 Энг баланд юлдузинг турмаса чорлаб.  
 «Деворда» бир йингит, қайсар ва доно,  
 Ёқаси губорсиз, магрур олифта.  
 Кўнглингизга йўллар ахтариб танҳо  
 Узоқ термуламан суратингизга.  
 Унутманг, сиз қачон палов дамлайсиз,  
 Зиранинг бўйлари тутар ҳовлини  
 Ўзоқ бошда эса, афсус, кўрмайсиз,  
 Бир қизча ўлтирас ялаб лабини.

1983 й.

## ДАРАХТЛАР

Баланд-баланд дарахтларим,

Пастлаб қолибез.

Усмон АЗИМОВ

Бу күчанинг дарахтлари  
Пастлаб кетишган.  
Йүқ, уларни журъат, гуурп  
Ташлаб кетишган.  
Осмонининг борлигини,  
Тиниқлигини,  
Тупрогининг поклигини,  
Илиқлигини  
Унутганлар ва жимгина  
Пастлаб яшарлар.  
Томиридан униб чиққан,  
Гуурии тирик  
Болаларин юрагини  
Фашлаб яшарлар.  
Болаларин қўймайдилар  
Ўсайин деса,  
Шамолларнинг йўлларини  
Тўсайин деса.  
Чунки баланд оталари  
Кесилган беун.  
Осилганлар, отилганлар,  
Бўлганлар сургун.  
Булар шундан қўрқар ва жим,  
Паст бўлиб яшар.  
Бўронларнинг йўлларида  
Хас бўлиб яшар...

1985 й.

## ҚОДИРИЙНИНГ РАФИҚАСИ АЙТГАН ҚҰШИҚ

Сиз кетдингиз, кетингиздан жим  
 Ўчоғимнинг куллари күйди.  
 Онанғизнин жойнамозлари,  
 Рұмолимнинг гуллари күйди.  
 Келарсиз деб шунча күп күтдім?  
 Фанонинг-да фурсати етди.  
 Қарийиб минг йил яшадим гүё,  
 Умр шунча узарыб кетди.  
 Куңлар — хасис дараҳтлар каби,  
 Гарчи қарлағанда гуллади.  
 Шиг мевали шохни силкитсан,  
 Менинг этагимга тушмади.  
 Құзимдаги суратингизни  
 Ёш-ла ювиб, киприк-ла тараб,  
 Сарғаймасин, ўнғимасин деб  
 Авайлайдим, юрдим күп қараб.  
 Бир кун келиб үлсем ҳам уни,  
 НКВД топмас ҳойнақой.  
 Билмайлилар Қодирий учун,  
 Қароқларим энг ишончли жой.  
 Бу дунёда мени, билмадим,  
 Нима ушлаб турибди энди.  
 Қүёш күклан кетиб бүлди-ку,  
 Ёруғ тонг ҳам отмайди энди.  
 Тақдиримда сароб орзуни,  
 Қувиб қонлар ютмоқ бор экан.  
 «Үлди» деган шум хабарни ҳам,  
 Сабот билан күтмоқ бор экан.  
 Баҳорлари унугиб кетган  
 Фарыб, ёлғиз тутга үхшадим.  
 Япроқларим сарғайиб битди,  
 Шамолларга соврилиб кетди,

Секин-аста манзилгоҳ пойим  
Бүшаб қолди чучмомалардан,  
Энди узун, иссиқ кунларда  
Кутмай қўйдим булутларни ҳам.  
Сиз кетдингиз, кетингиздан жим  
Рўмолимнинг гуллари қўйди...

1983 й.



\* \* \*

О, қадрдон менга бу қабр!  
Күз олдимдан кетмас нарига.  
Соф жавоҳир кўмилган қаср  
Онам ётар унинг бағрида.  
О, бу тобут менга қадрдон!  
Иссиқ тегар кўзимга бағри.  
Саватдаги оқ гулдай бежон  
Онам ётганлари туфайли.  
...Кетгани йўқ ўша кун онам,  
Уйимизда қолиб кетди у.  
Кетган бўлса, ўша тобутда,  
Бизларни ҳам олиб кетди у.

1984 й.



\* \* \*

Мен — булутман, қошингизга  
Еғмоқ учун бораман.  
Согинчларим қўймас, унда  
Қолмоқ учун бораман.  
Ҳар баҳорда қийнагандা  
Руҳи армон тўлини  
Тўсиб қолар ўғилчамнинг  
Киприклари йўлимни.  
Оҳ, қоламан, яна бир йил  
Тўлмоқ учун яшайман.  
Осмонда энг алвон булат  
Бўлмоқ учун яшайман,  
Сиз... ҳар баҳор кўкка боқиб,  
Қўйиб дунё ишини,  
Тоқат билан кутасиз бир  
Ҳавонинг айнишини...

1989 йил.

## СИЗНИ СЕВГАЧ...

*“Сизни севгач мен чаманда лолаларга учрагум”*

Ҳатима Худойбердиева

Сизни севгач, мен сехрли  
Наволарга учрадим.  
Ҳам адоқсиз балоларга,  
Балоларга учрадим.  
Баҳормиди, кузакмиди,  
Сиз-ла менга учраган?  
Қанотларим синди, қаттиқ  
Ҳаволарга учрадим.  
Юлдузларга қўл узатдим,  
Куйидирдилар қўлимни,  
Майсаларга юзим босдим,  
Эслатдилар ўлимни.  
Билмам қайси чорраҳада  
Адаштирдим йўлимни?  
Куиди багрим, бедил, деган,  
Даъволарга учрадим.  
Талпинганим юлдузмиди,  
Бой бердимми Офтобни?  
Алмашдимми унга қадр,  
Ғурур деган моҳтобни?  
Ўқимоққа маҳкумманми  
Армон деган китобни?  
Сизни севгач мен сехрли  
Наволарга учрадим.  
Ҳам адоқсиз балоларга,  
Балоларга учрадим...

1989 й.

## ЎЗБЕК ҚИЗИ ҲАНГОМАСИ

Хориждан келди одам,  
Йўқлади мусаввирни:  
«Бизга керак чинакам  
Ўзбек қизин тасвири.  
Ўзбек қизи — маъбуда,  
Ўзбек қизи — назокат.  
Дунё бизнинг музейда  
Кўрсин тирик нафосат».  
Сурат учун қолдириб,  
Зарҳалли бўш гардишни.  
Умид билан юртига,  
Учиб кетди чет киши.  
Ишонч учун минг қуллук,  
Қиз топилса бўлгани.  
Рассом ўзбек қиз ҳақда  
Шаҳар кезиб ўйлади:  
«Сочин ўриб ташласа,  
Ерга тушса буралиб.  
Ибо билан турсинми  
Атласига ўралиб?  
Э, йўқ чакки ўйлаб ман,  
Аталмай «халқ душмани».  
Кўйлак кийиб сонидан,  
Ечиб юрсин тугмани.  
Қизармасин Нодира  
Увайсийни танимай.  
«Гога» атаб ўғлини  
Ала айтсин «баю-бай».  
Борини чизай десам,  
Чиқмаса иффат, ҳаё.  
Чет эл билан ўртада,  
Бошланса-я бир бало».

Эҳ, бир қарор топмасдан,  
 Ҳафсаласи бўлиб пир,  
 Бўш гардишни орқалаб,  
 Қишлоқ кетди мусаввир.  
 Пахтаси оқ қизларнинг  
 Чанг, дод эди яноғи,  
 Кетмон тутган қўлларнинг  
 Кетармикин қалоги?  
 Узун-узун кокиллар,  
 Тароқ кўрмас ой, ҳафта.  
 Рўзномалар таъкидлар:  
 «Ватанга керак пахта!»  
 Боқиб бўм-бўш гардишга,  
 Рассом бўлли лол, карахт.  
 Ночор сурат ўрнига,  
 Ёзид қўйли бир ластхат:  
 «Кўп ерларни кездиму  
 Фурсат кетди беҳуда.  
 Назокат топилдию  
 Топилмади маъбуда.  
 Юз йил олдин келсангиз.  
 Қўйиб ҳамма юмушни,  
 Шу гардишга чизардим  
 Марғилонлик Кумушни”.

1988 й.



## МУНДАРИЖА

ЭНГ БҮЮК КАШФИЁТ .....	3
Юрт ҳақида күшик .....	4
Навоийни ким ўгирлади? .....	6
Дев мингган йигит .....	10
Энг буюк кашифиёт .....	11
Ўпкаси тешик от .....	16
Хукм .....	17
Энг гўзал тушим .....	18
Савобкон .....	21
Янги дарвоза .....	24
Кутиш .....	26
Икки тарози .....	29
Мулк .....	33
Келишлари бир байрам, кетишлари бир байрам .....	35
“Оила” .....	38
<b>ЯССАВИЙЧА ОҲАНГЛАР .....</b>	<b>39</b>
Ўлмасин .....	40
Пешонангда агар .....	42
Надомат .....	43
Тупроқ .....	45
Топдим .....	47
Тазарру .....	49
Билинур .....	50
Насиҳат .....	51
Маломат .....	53
Иқрорлик .....	54
Ёлғончилар .....	55
Қўринмайдур .....	57
Ўзимман .....	58
<b>ҲОФИЗ ЎҒЛИМ АБДУНОЗИМГА ЁЗИЛГАН</b>	
<b>ҚўШИҚЛАР .....</b>	<b>59</b>
Савдоғар .....	60
Йўл назорат ходимлари .....	61
Эътироф .....	62
Болалар уйининг боласи .....	64
Кўшдилар .....	65



Қизларимга .....	66
<b>ИСТИҚЛОЛДАН АВВАЛ БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР .....</b>	<b>67</b>
Ўзим билан танишув .....	68
Шунча Марҳабо .....	70
Меҳнат татилим тугади .....	71
Ишхонала ёзилган шеър .....	73
Ҳашнап .....	74
Юборилмаган мактуб .....	76
Дарахтлар .....	77
Қодирийнинг рафиқаси айтган қўшиқ .....	78
“О, қадрдон менга бу қабр!...” .....	80
“Мен — булутман, қошингизга...” .....	81
Сизни севгач... .....	82
Ўзбек қизи ҳангомаси .....	83



1-231-518-158-06/с

0(00)00-000-000

Атакент, 1-й проспект  
119 - 1105 Атакент, Кыргызстан

## МАРХАБО

# КЕЛИШЛАРИ БИР БАЙРАМ...

Ниевр.тар

Тошкент — «Yurist-media markazi» — 2011 й.

Мұхаррір *Адіба Ҳамро қызы*

Техник мұхаррір *Мұхридин Ҳамроев*

Рассом *Шұҳрат Одилов*

Сағифаловчи *Суннат Пұлатов*

Мусаҳиха *Дилшода Аввалбоеева*

«07.01.2010 жылдан бері орналаскан Метрополіт  
жүмыштауда жаңа жыл (01.01.2011) көнінде наурыз күнінен  
басталып сәфір даңында таффі жүйесіндегі шабакада  
2001 жылдың 1-майда қарордан беріненнен 2010 жылдан бері орналаскан  
метрополіттан орталық тұрмыс тұрғындағы өмірі

шеберлік жаңа жылдың 1-майда қарордан беріненненнен 2011 жылдан бері орналаскан  
метрополіттан орталық тұрмыс тұрғындағы өмірі

жынысынан жаңа жылдың 1-майда қарордан беріненненнен 2011 жылдан бері орналаскан  
метрополіттан орталық тұрмыс тұрғындағы өмірі

**УДК: 821.512.133-1**

**ББК: 84(5Ў)6      Марҳабо, Каримова.**

**M29**

Келишилари бир байрам... (шөърлар) / - Т.:  
«Yurist-media markazi» нашриёти, 2011. – 88 б.

ISBN 978-9943-387-23-2

**УДК: 821.512.133-1**

**ББК: 84(5Ў)6**

Издаёт: «Yurist-media markazi»

Адрес: Ташкент, ул. Абдусалома Шарафутдинова, 100

Телефон: +998 71 71 71 71 71 | +998 71 71 71 71 71

Факс: +998 71 71 71 71 71 | +998 71 71 71 71 71

E-mail: yurist-media markazi@inbox.ru

Сайт: www.yurist-media.com

Издательство зарегистрировано в Узбекской Республике

Министерством по делам культуры и спорта под № 092 от 16.07.07 г.

Свидетельство о регистрации № 15.09.2011 г. Таймс Тад гарнитураси.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма. Офсет қозози.

Нашриёт лицензияси А1 №092, 16.07.07 й.  
Босишга рухсат этилди 15.09.2011 й. Таймс Тад гарнитураси.  
Шартли босма табоги: 5,5. Нашриёт босма табоги: 4,25. Адади 1000  
нусха. Буюртма №23-11. Баҳоси келишилган нархда.

«Yurist-media markazi» нашриёти. Тошкент ш., 100129, Навоий  
кӯчаси, 30-йи. Тел: 244-13-08, 717-76-88.  
E-mail: yurist-media markazi@inbox.ru

«Sirius media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Бобур кучаси, 4-йи. Буюртма № 127.



ISBN 978-9943-387-23-2

9 789943 387232